

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ҚарДУ ХАБАРЛАРИ

Илмий-назарий, услубий журнал

**Журнал 2009 йилда
ташkil этилган**

**Йилига 4 марта
чоп этилади**

**МАХСУС СОН
(ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР)**

Қарши – 2020

ТАХРИРИЯТ ҲАЙЪАТИ:

Бош муҳаррир
Бош муҳаррир ўринбосари
Масъул котиб

проф. ШОИМКҲУЛОВ Б.А.
доц. ХОЛМИРЗАЕВ Н.С.
доц. ЖУМАЕВ Т.Ж.

Тахририят ҳайъати аъзолари:

проф. ЖАББОРОВ А.М.	фалс.ф.д. ЧОРИЕВ С.А.
проф. ЖАББОРОВ Н.А.	пед.ф.д. ШОДИЕВ Р.Д.
б.ф.д. КУЧБОЕВ А.Э.	ф.ф.д. ШОДМОҲОВ Н.Н.
проф. МЕНГЛИЕВ Б.Р.	ф.-м.ф.д. ШУКУРОВ А.М.
проф. МУРТОЗАЕВА Р.Х.	проф. ЭШОВ Б.Ж.
проф. РАҲМОҲОВ Н.Р.	проф. ЭШҚОБИЛОВ Ю.Х.
проф. РОЗИҚОВ Ў.А.	проф. ҚУРБОҲОВ Ш.Қ.
проф. СУЛАЙМОҲОВ Р.Х.	проф. ҒАФҒОРОВА Т.Ғ.
ф.-м.ф.д. ТАШАТОВ А.К.	доц. АБДУЛЛАЕВ С.И.
акад. ТОЖИБОЕВ К.Ш.	доц. БЎРИЕВ О.Б.
проф. ТЎЙЧИЕВ Б.Т.	доц. КАМОЛОВ Л.С.
проф. ТЎРАЕВ Б.О.	доц. ЭРКАЕВ А.П.
проф. ТЎРАЕВ Д.Т.	доц. ҲАЛИМОВ Ғ.Ғ.

Манзилимиз: 180003, Қарши, Кўчабоғ, 17. Қарши давлат университети, Бош бино.
Тел.: (97) 385-33-73, факс: 221-00-56; web-sayt: xabarlar.qarshidu.uz
E-mail: qarduxj@qarshidu.uz ёки qarduxj@umail.uz

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Главный редактор	проф. ШАИМКҲУЛОВ Б.А.
Заместитель главного редактора	доц. ХОЛМИРЗАЕВ Н.С.
Ответственный секретарь	доц. ДЖУМАЕВ Т.Ж.

Члены редколлегии:

проф. ҒАФҒАРОВА Т.Ғ.	проф. ТУРАЕВ Б.О.
проф. ДЖАББАРОВ А.М.	проф. ТУРАЕВ Д.Т.
проф. ДЖАББАРОВ Н.А.	д.филос.н. ЧАРИЕВ С.А.
проф. КУРБАҲОВ Ш.К.	д.пед.н. ШАДИЕВ Р.Д.
д.б.н. КУЧБАЕВ А.Э.	д.ф.н. ШАДМАҲОВ Н.Н.
проф. МЕНГЛИЕВ Б.Р.	д.ф.-м.н. ШУКУРОВ А.М.
проф. МУРТАЗАЕВА Р.Х.	проф. ЭШКАБИЛОВ Ю.Х.
проф. РАЗИҚОВ У.А.	проф. ЭШОВ Б.Ж.
проф. РАҲМАҲОВ Н.Р.	доц. АБДУЛЛАЕВ С.А.
проф. СУЛАЙМАҲОВ Р.Х.	доц. БУРИЕВ О.Б.
д.ф.-м.н. ТАШАТОВ А.К.	доц. КАМАЛОВ Л.С.
акад. ТАДЖИБАЕВ К.Ш.	доц. ХАЛИМОВ Ғ.Ғ.
проф. ТУЙЧИЕВ Б.Т.	доц. ЭРКАЕВ А.П.

Адрес редакции:

180003, Қарши, Кучабағ, 17. Қаршинский госуниверситет, Главный корпус.
Тел.: (97) 385-33-73, факс: 221-00-56; web-sayt: xabarlar.qarshidu.uz
E-mail: qarduxj@qarshidu.uz или qarduxj@umail.uz

© Қарши давлат университети, 2020.

Қувватова Н. Қарши қадимий хунармандлар шаҳри.....	227
Чориев А., Аҳмадова С. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик – тараққиёт омили.....	231
Шадманов Т. Жилищная политика советской власти в Узбекистане: особенности и проблемы (1917-1941 гг.).....	234
Бабаджанов Х. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда карточка тизими асосида озиқ-овқат маҳсулотларининг тақсирот тизими.....	237
Бахтиёрзода О. Основные направления международного сотрудничества геологов Узбекистана.....	241
Исакова Ф. Женский вопрос и попытки его решение в Ферганской долине (конец XIX-начало XX вв.).....	246
Махкамова Н. Религиозная политика большевиков в 20-е гг. XX в.....	249
Пирматов Д. Россия империясининг Туркистондаги К.П.фон Кауфман даври иқтисодий сиёсатида ердан фойдаланиш масаласи.....	253
Ташкенбаева Д. Изменения в социальной структуре общества коренного населения Туркестанского края в трудах англоязычных авторов.....	256
Қодиров Б. Ўзбекистонда ички ишлар органлари тарихини ўрганишнинг аҳамияти.....	260

мера», которая должна была быть разрешена в будущем после решения других более глобальных задач.

Резюме

Шадманов Т.

Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг уй-жой сиёсати: хусусиятлари ва муаммолари (1917-1941 йй.)

Мазкур мақолада муаллиф совет ҳокимиятининг 1917-1941 йиллардаги уй-жой қурилиши соҳасидаги сиёсатини таҳлил қилишга ҳаракат қилади. Асосий эътибор уй-жой масаласини ҳал қилиш учун совет ҳокимияти уни давлат мулки деб эълон қилганлиги ва аҳолига таъсир кўрсатиш воситаси сифатида ундан фойдаланган. Уй-жойга хусусий мулкчилик ўрнига тез орада давлат мулки эгаллади. жойга хусусий мулкчиликни тўлиқ бекор қила олмади.

Resume

Shadmanov T.

Housing policy of the Soviet government in Uzbekistan: features and problems (1917-1941)

In this article, the author attempted to analyze the policy of the Soviet state in the field of housing in the cities of Uzbekistan in 1917-1941. The author paid special attention to the search for forms of solution for the housing policy by the Soviet authorities in the framework of overcoming the existing housing crisis, including such measures as consolidation and self-consolidation, which later developed into communal apartments, which were presented by the Soviet authorities as a “temporary, forced measure” to be resolved in the future after solving other more global problems.

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА КАРТОЧКА ТИЗИМИ АСОСИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ТАҚСИМОТ ТИЗИМИ

Бабаджанов Х.Б. (ТАТУ)

Таянч сўз ва иборалар: *озиқ-овқат таъминоти, карточка тизими, нормалар, маҳсулот сифати, савдо, қишлоқ хўжалиги, ҳарбий иқтисодиёт, ижтимоий таъминот.*

Иккинчи жаҳон урушидан аввалги йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги асосан пахта етиштиришга ихтисослашган бўлиб, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари собиқ Иттифоқнинг бошқа ҳудудларидан келтирилди. Масалан, Иккинчи жаҳон урушидан аввалги йилларда Ўзбекистон аҳолиси истеъмولىдаги асосий дон маҳсулотлари РСФСР ва Украинадан келтирилган. Уруш бошлангач, республикага бошқа ҳудудлардан дон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари келтириши тўхтатилди. “Уруш йилларида Ўзбекистон фронтнинг мустаҳкам таъминот базасига айланди. Юртимиздаги саноат корхоналари ҳарбий соҳага мослаштирилди, барча имкониятлар фронт учун, ғалаба учун сафарбар этилди[1]. Шу ўринда мавжуд имкониятлар келиб чиққан ҳолда озиқ-овқат маҳсулотлари билан аҳолини таъминлашда карточка тизими жорий этилди.

Карточка тизими асосан шаҳарларда жорий этилди ва аҳолининг маълум касбга, малакага, ёшга ва ижтимоий гуруҳга мансублигига қараб озиқ-овқат нормалари белгиланди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида собиқ Иттифоқда карточка бўйича олинадиган товарлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари нормаларини белгилаш ўзига хос ижтимоий феномен эди.

Маълум аҳоли гуруҳига карточкалар бўйича озиқ-овқат нормаларни белгилашда совет давлатида мавжуд ижтимоий-сиёсий ҳолатлар ҳам таъсир этди. Карточка тизимида нормалар миқдорининг белгиланиши уруш даври совет жамиятининг ўзига хос табақаланишини намоён этди. Собиқ Совет Иттифоқида хос тоталитар иқтисодий тизимда

маълум ижтимоий гуруҳ ёки касб эгаларининг “давлатга яқинлиги” карточка нормаларининг белгиланишига бевосита таъсир кўрсатди.

Карточка тизими жорий этилган шаҳарлар аҳолиси нон таъминоти ҳажми бўйича тўрт гуруҳга ажратилди:

1 гуруҳ – ишчилар, инженер-техник ходимлар ва уларга тенглаштирилганлар (транспорт ва алоқа, медицина, санъат, фан, таълим тизими ходимлари ҳамда донорлар);

2 гуруҳ – хизматчилар ва уларга тенглаштирилганлар;

3 гуруҳ – боқувчисини йўқотганлар;

4 гуруҳ – 12 ёшгача бўлган болалар.

Шунингдек, гуруҳлар ичида (фақат биринчи ва иккинчи гуруҳ учун хос) категорияларга бўлиниш жорий этилди. Мудофаа, нефть-кимё, машинасозлик, қора ва рангли металлургия, транспорт, мудофаа қурилиши ва кончилик саноати ишчилари биринчи категорияни ташкил этганлар. Биринчи категорияга кирмаган халқ хўжалиги соҳалари ишчилари ва бошқа шаҳар аҳолиси иккинчи категория истеъмолчиларини ташкил этди. Урушнинг дастлабки вақтларида аҳолининг нон ва кондитер маҳсулотлари нормалари қуйидагича белгиланди (нон ҳар бир кишига кундалик, шакар ва кондитер маҳсулотлари ҳар бир кишига ойлик норма ҳисобида)[2:393]

Булардан ташқари, ҳар бир халқ хўжалиги соҳаси ишчилари учун карточка нормаларини белгилашда ички табақаланиш тизимларидан фойдаланилди. Ушбу ҳолатни темирйўл тизими ходимлари нон таъминоти мисолида кўриб чиқсак. 1943 йил октябрдаги СССР Савдо Халқ Комиссарлигининг 557-сонли буйруғига кўра темирйўлчилар, муҳандис-техник ходимлар ва темирйўл мактаблари ўқувчилари ва шу соҳага тегишли бошқа аҳоли гуруҳлари учун карточка нормалари белгиланди.

Унга кўра карточка нон нормасини белгилашда темирйўлчилар ва муҳандис-техник ходимларнинг малакаси, улар ишлайдиган станция аҳамияти ва жойлашган ўрни инобатга олинди. Асосий станцияларда ишловчи темирйўлчилар учун кунлик 650 грамм; Белоруссия ва Украинанинг озод қилинган ҳудудлари ва 3-категориягача бўлган станцияларда фаолияти юритувчи темирйўлчилар учун кунлик 600 грамм нон нормаси белгиланди[3:19]. Уруш йилларида Ўрта Осиёда етакчи ҳисобланган Тошкент темирйўли СССР нинг асосий темирйўллари рўйхатига киритилган эди[4:24].

Шунингдек, темирйўл транспортга тегишли ташкилот, муассаса ва корхоналари ходимларига кунлик 450 грамм, темирйўл мактаблари ўқувчиларига ва темирйўлчилар фарзандлари учун кунлик 300 грамм нон нормаси белгилаб берилди[5:20]. Юқоридагилардан кўриниб турганидек, уруш йилларида карточка тизими, унинг гуруҳлар ва категорияларга бўлиниши тизими анча мураккаб ташкил этилди.

Уруш йилларида озиқ-овқат нормаларини белгилаш ишчиларнинг меҳнатини қўллаб-қувватлаш ёки уларни жазолашнинг ўзига хос механизмига ҳам айланди. 1942 йил 10 ноябрдаги Ўзбекистон ССР ХКС нинг 1477-сонли қарори билан меҳнат интизомини бузган ва суд қарори билан аҳлоқ тузатиш ишларига жалб қилинган ишчиларнинг кунлик нон нормалари 100-200 граммгача қисқартирилди. Шунингдек, корхона ва заводларда ишлаб чиқариш нормаларини ортиғи билан бажарган ишчиларга ёқилғи, саноат моллари ва баъзи озиқ-овқат маҳсулотларини биринчи бўлиб сотиб олиш имтиёзи берилди. Аммо имтиёз нон сотиб олишда қўлланилмади[6:125].

Кўп ҳолларда чекловлар нормаси ҳар бир давлатдаги ишлаб чиқариш салоҳияти, ҳарбий ҳаражатлар миқдори ва ҳоказоларга боғлиқ эди. Бундай харид миқдори чекловлари ҳатто АҚШда ҳам мавжуд эди. Лекин бу харид нормалари жуда юқори эди. Масалан, гўшт нормалари жон бошига ҳафтасига деярли 1 кг. этиб белгиланди[7:153]. Бундай нормалардаги тақсимот муаммолари деярли оддий америкаликлар ҳаётига таъсир этмади.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида карточка тизими жорий этилишини бир томонлама, ижобий ҳодиса сифатида қараш нотўғри бўлади. Тизим фаолиятида кўплаб камчилик ва қонунбузарликлар учраб турди. Шунингдек, карточкаларнинг жорий

этилиши жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётига маълум даражада зарарли таъсир ўтказганини ҳам унутмаслик лозим. Ушбу муаммоларни умумий ҳолатда қуйидагилар деб белгилаш мумкин:

Биринчидан, карточка тизимининг жорий этилиши савдо-сотиқ муносабатларида нақд пулнинг қадрини ҳамда ишчиларнинг ўз меҳнатидан моддий манфаатдорлик ҳиссини камайишига олиб келди. Ишчилар бажариладиган меҳнат ҳажми ва ишлаб чиқарадиган маҳсулот сифатидан қатъий назар аниқ белгиланган нормалар бўйича маҳсулот олардилар.

Иккинчидан, карточка тизими бўйича маҳсулотларнинг тақсимланиши маҳсулотлар турлари ҳамда сифатига салбий таъсир этди. Чунки маҳсулот қандай сифатда бўлмасин марказий тақсимланар ва харидорларда уни танлашга имконият йўқ эди.

Учинчидан, карточка тизими фаолиятини амалга оширувчи бюрократик бошқарув тизими юзага келди. Уруш йилларида карточка тизими фаолиятини ташкил этувчи органлар аппарати 25 минг кишини ташкил этди[8:398]. Албатта, бу бошқарув аппарати бирданига шаклланмади. СССР Савдо халқ комиссарлиги ва унинг жойлардаги бўлимларида карточкаларни тақсимлаш функцияси бор эди. Шунингдек, махсус бюрлар тузилиб, уларга карточкаларни корхона, ташкилотлар ва аҳолига тарқатиш ҳамда карточка тақсимотини назорат қилиш ҳуқуқи берилди. Баъзи ҳолларда, карточка тақсимотида иштирок этувчи бошқарув органлари фаолиятида қонунбузарликлар учраб турарди.

Карточка тизими бўйича тақсимотни ташкил этишда бюрократик аппаратнинг пайдо бўлиши нафақат собиқ Иттифоққа, балки иқтисодиёти анча марказлашган фашистик Германия учун ҳам хос эди. Жумладан, “Berliner Borsen Zeitung” нашрининг 1942 йил 3 май сонидида, Берлин-Крейцберг туманида 7 минг карточка тизимидан таъминланадиган аҳоли яшайдиган ҳудуд ҳақида маълумот берилди. Ушбу ҳудуд аҳолисини таъминлаш учун 600 штат бирлигига эга карточка бюроси тузилди[9:19]. Юқоридаги мисол кўриб чиққанимиздек, уруш шароитида ҳам иқтисодиётни марказдан бошқаруви ҳар доим ҳам иқтисодий ўзини оқламаган.

Тизим фаолиятидаги энг катта муаммо, карточка бўйича озиқ-овқат тақсимотида турли қонунбузарлик ва чайқовчилик ҳолатларининг мавжудлиги эди. Давлат текширув органлари карточка тизими фаолиятини текширишга алоҳида эътибор қаратдилар. Текширувларнинг асосий мақсади биринчидан, карточка тизими фаолиятини қонун ҳужжатларига мослигини текшириш бўлса, иккинчидан, янги қарор ва буйруқлар асосида озиқ-овқат таъминоти нормаларини қисқартириш эди. Жумладан, 1942 йил 1 декабрдан 1943 йил 1 мартгача Ўзбекистонда карточка тизими фаолияти масалалари бўйича 336 марта турли текширувлар ўтказилди. Натижада уч ой давом этган текширувлар давомида республика аҳолисининг умумий нон таъминоти 4124 тоннага қисқартирилди[10:28].

Уруш даврининг мураккаб ижтимоий-иқтисодий шароитида аҳолининг асосий қисми карточкада белгиланган нормалардан ташқари эркин савдодан деярли ҳеч нарса харид қилишга имконияти етмас эди. Аммо аҳолининг маълум қатламлари карточкадаги маҳсулотларни сотиб олишга ҳам шароити бўлмасди. Ёш ишчи ва ходимларнинг ойлик маошлари карточкадаги маҳсулотларни сотиб олиш учун 2-3 ҳафтага етарди.

Архив ҳужжатларининг маълумот беришича, кўплаб корхоналарда озиқ-овқат маҳсулотлари ноқонуний қайта тақсимланди. Шунингдек, аҳолининг алоҳида гуруҳларни нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ёпиқ тизим вужудга келди.

1944 йилдан ноқонуний савдога қарши курашиш мақсадида карточкаларсиз, аммо бир неча баробар қимматроқ нархларда савдо қилувчи “тижорат (расмий номи “коммерческий”) савдо тизими” пайдо бўлди. Тижорат савдо тизимининг ташкил этилиши билан жамиятдаги нақд пул массасининг бир қисми давлат молия тизимида жалб қилинди. Тижорат дўконлари ҳамма учун бўлмаса-да (аҳолининг кўпчилик қисми бунга қурби етмаган), юқори ойлик маош олувчи ишчи ва хизматчилар учун карточка нормалардан ташқари қўшимча маҳсулотлар шу жумладан, нон ҳам сотиб олишга имконият яратилди.

Карточка бўйича ва тижорат савдо тизимида маҳсулотлар нархи ўртасидаги фарк сезиларли бўлган. Масалан, 1945 йилда охирида II сорт бўғдой унидан тайёрланган ноннинг карточка бўйича нархи 1,7 рубль ва тижорат дўконларида эса 30 рубль бўлган[11:194] (ўртадаги нархлар фарқи деярли 27 баробар). Шунинг учун чакана савдо айланмасида тижорат савдо тизимининг улуши катта бўлмай, 1945 йилда 9,6% ни ташкил этди[12:399].

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва тақсимлашнинг ўзига хос тизим сифатида шаклланди. Уруш йилларида давлат томонидан карточка тизимининг жорий этилиши, нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг марказий тақсимоти уруш шароитида мажбурий ва керакли чоратadbир эди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида тинч аҳолининг нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган минимал талаби карточка тизими орқали таъминланди. Бу даврда карточка тизими фаолиятида ташкилий камчиликлар ва қонунбузарликлар ҳоллари ҳам учраб турди. Ушбу камчиликлар марказий давлат озиқ-овқат тақсимоти тизимининг эффективлигини камайишига, аҳолининг маълум гуруҳларини озиқ-овқат билан таъминлашда мураккабликларга сабаб бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 9 май – Хотира ва кадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи. 2018 йил 10 май, 95 (7053)-сон.
2. Советская экономика в период Великой Отечественной войны 1941-1945 гг. – Москва: Наука, 1970. – С. 393.
3. Ўз МА, 91-фонд, 8-рўйхат, 310-йиғма жилд, 19-варақ.
4. Ўз МА, 91-фонд, 8-рўйхат, 310-йиғма жилд, 24-варақ.
5. Ўз МА, 91-фонд, 8-рўйхат, 310-йиғма жилд, 20-варақ.
6. Ўз МА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3747- йиғмажилд, 125-варақ.
7. Варга Е. Изменения в экономике капитализма в итоге Второй Мировой войны. – Москва: «Государственное издательство политической литературы», 1946. – С. 153.
8. Советская экономика в период Великой Отечественной войны 1941-1945 гг. – Москва: Наука, 1970. – С. 398.
9. Варга Е. Изменения в экономике капитализма в итоге Второй Мировой войны. – Москва: «Государственное издательство политической литературы», 1946. – С. 19.
10. Ўз МА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 4089- йиғмажилд, 28-варақ.
11. Народное хозяйство СССР в Великой Отечественной войне 1941-1945 гг. Статистический сборник. ... – С. 194.
12. Советская экономика в период Великой Отечественной войны 1941-1945 гг. – М.: Наука, 1970. – С. 399.

Резюме

Бабаджанов Х.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда карточка тизими асосида озиқ-овқат маҳсулотларининг тақсимот тизими

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда мураккаб вазият юзага келди. Биринчи навбатда бу муаммонинг пайдо бўлиши республикада ҳукм сурган пахта яккахокимлиги билан боғлиқ эди. Уруш бошлангач, Ўзбекистон ўзини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаши зарур эди. Мавжуд вазиятда озиқ-овқат ресурсларини тақсимлашда карточка тизими ҳаётга жорий этилиши мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми қаралди.

Резюме

Бабаджанов Х.

Система распределения продовольственных товаров на основе карточной системы в Узбекистане в годы второй мировой войны

В годы Второй Мировой войны в Узбекистане возникла сложная ситуация с обеспечением населения продовольствием. Прежде всего, возникновение проблемы было

связаны с монокультурой хлопчатника в сельском хозяйстве республики. С началом войны Узбекистан должен был обеспечить себя продовольствием. Во время войны Узбекистан стал сильной базой снабжения фронта. Промышленные предприятия нашей страны были переведены на военные рельсы, все возможности экономики были мобилизованы для фронта, для победы. В сложившейся ситуации карточная система была введена как составная часть социально-экономической политики страны.

Resume

Babadjanov X.

Distribution system of food products in Uzbekistan on the basis of the card system during the second world war

A difficult situation arose in Uzbekistan with providing the population with food products during the years World War II. First of all, the occurrence of the problem was associated with the monoculture of cotton in the republic's agriculture. With the outbreak of war, Uzbekistan had to provide itself with food. At war years, Uzbekistan became a strong supply base for the army. The industrial enterprises of our country were transferred to military tracks, all the possibilities of the economy were mobilized for the victory. In this situation, the card system was introduced as part of the country's socio-economic policy.

ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ МЕЖДУНАРОДНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА ГЕОЛОГОВ УЗБЕКИСТАНА

Бахтиёрзода О.Б. (НУУз)

Ключевые слова: *геологоразведка, геология, геофизика, научный обмен, опыт, стажировка, повышение квалификации, совместный проект.*

В настоящее время наша страна осуществляет многоплановое планомерное сотрудничество с рядом зарубежных стран в области геологии. Среди них можно выделить Китай, Японию, США, Российскую Федерацию, Италию, Индию, Норвегию и Великобританию. Одним из первых узбекистанских ученых, осознавших необходимость совместной работы был академик И.Х.Хамрабаев (1920-2002 гг.), который ещё в 90-е годы XX в. установил сотрудничество с китайскими специалистами в области геологии. В частности, в 1994 году к нему обратились известные китайские геологи доктор Ли Цзинь Сянь и академик Хе Жи Ли для изучения и прогнозирования месторождений полезных ископаемых в Синьцзян – Уйгурском автономном районе [4].

Широкомасштабная работа по уточнению запасов нефти и газа, а также увеличению их добычи проводилась и в северной части СУАР. С этой целью были привлечены 7 китайских и 8 иностранных нефтедобывающих и нефтеперерабатывающих компаний. Однако это не решает проблему отставания предложения от растущего спроса Китая на нефти. Поэтому КНР уделяет большое внимание обеспечению запасов нефти в окружающих его странах. В частности, Китай придает особое значение реализации проекта по составлению фундаментальной геологической карты Евразии. Работа по реализации проекта была начата в 1996 г. и в ней участвуют КНР, РФ, Казахстан и 5 европейских стран. В настоящее время продолжаются совместные работы по составлению фундаментальной геологической карты Евразии с участием 500 специалистов. Карта будет содержать информацию о геологическом строении двух континентов, процессах образования земной коры и формирования полезных ископаемых, уточнения природных ресурсов и их особенностей. За 2000-2007 годы осуществлен первый этап работы, на территории России и Казахстана, и Узбекистана выявлены 32 крупных месторождения, из которых 16 тянутся в сторону СУАР КНР [2].

Согласно Соглашению между Государственным комитетом Республики Узбекистан по геологии и минеральным ресурсам и Государственным комитетом по делам развития и реформ КНР определена перспективная на выявление месторождения урана